


13 февраль санаси тарихда

О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
МЕННАТ VA АХОЛИНИ ИЖТИМОИY
МИНОФАЗА ОИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

МИНИСТЕРСТВО ТРУДА И
СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ НАСЕЛЕНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН



13 февраль 2001 йил - Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ташкил этилган кун

Аҳолининг ижтимоий ҳимояси бўйича давлат бошқарувини мукаммаллаштириш мақсадида Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги бирлаштирилиб, Ўзбекитсон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ташкил этилди. Вазирлик тизимидағи 14 та - Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари, жойлардаги туман ва шаҳар ижтимоий таъминот бўлимлари ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳоли қатламларини пенсиялар ва нафақалар билан таъминлаш, давлат томонидан белгиланган ёрдам, имтиёзлар ва кафолатларнинг манзилли етказилишини ташкиллаштириш ва назоратини олиб бориш вазифаларини бажаради.



13 февраль 2014 йил - Вадим Абрамов Тошкентдаги «Локомотив» ФК бош мураббийи этиб тайинланган кун

Ўзбекистон футбол бўйича терма жамоасининг собиқ бош мураббийси Вадим Абрамов Тошкентдаги «Локомотив» ФК бош мураббийи этиб тайинланди.

Шу кунгача жамоа бош мураббийи вазифасини бажариб келган Ҳаким Фузайлов Осиё Чемпионлар лигасининг гурух босқичига чиқиш вазифаси бажарилмагандан сўнг оз лавозимидан озод этилди.

Клуб тарқатган баёнотда айтилишича, Вадим Абрамов ва футболчилар олдида ушбу мавсумда юқори мақсадлар қўйилган.

Ўтган йилнинг ноябр ойида Вадим Абрамов Қозоғистоннинг «Остона» клуби бош мураббийлигига тайинланган эди. Лекин икки ҳафтадан сўнг клуб президенти Эсмуҳамад Спанов ўз лавозимини тарк этганлиги сабабли, мураббий билан тузилган оғзаки шартнома бекор қилинган эди.



13 февраль - Халқаро радио куни

13 февралда дунё бўйича Халқаро радио куни нишонланади. Бу байрамни ўтказишдан мақсад – радиони алоқа воситаси сифатидаги аҳамиятини, радио эшиттириш компанияларнинг халқаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ҳамда йирик оммавий ахборот воситалари ва маҳаллий радиостанциялардан ахборот олиш имкониятларини кенгайтириш, фикр билдириш эркинлиги ва радиотўлқинларда тендер тенглигни ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатиш.

Рақамли технология асрида радио дунё бўйича энг кўп сонли тингловчилар учун алоқа ва мулоқот воситаси бўлиб келмоқда. Радио тендер тенглигини ривожлантириш йўллари бўйича ЮНЕСКОга кўмаклашишда хизмат қиласди.

Тендер тенглигини кенгайтириш бўйича дунёning барча бурчакларида Халқаро радио куни байрами ЮНЕСКО томонидан қуидагийўналишларда олиб борилади:


-радио эшиттириш компанияларининг раҳбарлари ва эгалари, журналистлар ва ҳокимиятнинг тендер сиёсатини ривожлантиришга эътиборини қаратиш;

-радиода бир хилликдан халос бўлиш;

-радиодастурлар яратишда ёшларнинг, айниқса, продюсер, радиобошловчи, репортёр бўлишга интилаётган қизларнинг билимини кенгайтириш;

-аёл радиожурналистларнинг хавфсизлигини таъминлашни мустаҳкамлаш.

Ташкилотчилар маҳаллий, миллий, халқаро радио эшиттириш компаниялари, турли оммавий ахборот воситалари, давлат ва нодавлат ташкилотлари ва кенг халқ оммаси билан ҳамкорликда Халқаро радио кунини нишонлашга барча мамлакатларни иштирок этишга чақиради.



**13 февраль 1769 йил - Рус ёзувчиси,
масалчи Крилов Иван Андреевич таваллуд топган кун**

Крилов Иван Андреевич-1769 йил 13 февраль куни Москвада туғилган - рус ёзувчиси, масалчи. "Почта духов"(1789), "Зритель" (1792) журналларини нашр эттирган.1786-88 йилларда трагедия ("Клеопатра", "Филомела"), комик опералар ("Баҳодир Илья", 1870) ёзган. 1809-43 йилларда 200 дан ортиқ масаллар ёзган. Биринчи "Масаллар" китоби 1809 йил нашр қилингандык. Уларда зулм ва зўрлик қоралангандык ("Бўри билан қўзичоқ", "Ҳайвонлар ўлати", "Бўрилар ва овчилар", "Деҳқонлар ва дарё" ва бошқалар), вазирликларнинг қайта ташкил этилиши ("Квартет"), Аракчеевнинг золимлиги танқид қилингандык("Балиқлар рақси"). 1812 йилдаги Франция – Россия уруши йилларида ёзган "Мушук ва ошпаз", "Итхонага кириб қолган бўри", "Қарға ва товуқ", "Мушук ва чўртган балиқ" ва бошқа масалларида ватанпарварлик ғоялари илгари сурилган. Асарларида софдил ва меҳнатсевар кишилар улуғлангандык, дангаса , қўрқоқ, иккюзламачилар танқид қилингандык. Масаллари демократик рух билан суғорилган. Сатираси кучли ва таъсирчан. Асарлари ўзбек тилига таржима қилингандык. И.Крилов Петербургда 1844 йил 21 ноябрь куни вафот этган.



Фёдор Иванович Шаляпин

1873 йил 13 февралда буюк опера хонандаси Фёдор Иванович Шаляпин дунёга келди.

Шаляпин етук санъаткор бўлиб этишгунча жуда оғир, мاشаққатли йўлни босиб ўтди. Ҳаёт тўсиқлари, муҳтоҷлик ёш Фёдорни ниятидан қайтаролмайди, чунки у санъатни бутун вужуди билан севар, усиз ҳаётини тасаввур этолмас эди.

Шаляпинни санъат сехри бутунлай ўзига мафтун этганди. Ўша пайтлари улар яшайдиган жойга опера театри жамоаси келганди. Бу ерда қўйилган спектаклдаги опера ижроси Шаляпинни ҳайратга солади. Шундан сўнг у кўча-куйдами, уйдами, оддий кундалик турмушдаги гапларни ҳам операга айлантиради. Энди уни театрда томошабин бўлиб ўтириш қониқтирмасди. У саҳна ортига ўтиб, ойни қандай ёритишларини, одамлари қаёққа ғойиб бўлишларию саҳнани қандай қилиб тез қуришларини, кийим-кечаклару, томошадан сўнг бу ёрқин, гўзал ҳаётнинг қаёққа ғойиб бўлишини жуда жуда билгиси келарди. Ниҳоят, орадан кўп ўтмай, спектаклда статист (саҳнада гапирмасдан роль ижро этиш) бўлиб иштирок эта бошлади.

Шаляпин театрда ижро этадиган ролларда киядиган либослар қандай бўлиши кераклигини ўрганиш учун рассомлардан кўпроқ таниш орттира борарди. У Москвага - Мамонтов раҳбарлигидаги театрга келгач, санъаткорга эркин ижод қилиш имкони берилади. У эркин ижод қилиш имконига эга бўлгач, репертуаридаги Сусанин, Мефистофель ва бошқа ролларини янаем мукаммаллаштиришга киришади. Шаляпиннинг барча ижроси жуда табиий, ҳаётий ҳамда ниҳоятда таъсирили чиқар, ижросида ҳеч бир соҳталик, ясамалик, сийқаси чиқкан эски саҳна ёндашувлари кўзга ташланмасди.

У юқори бас овозда куйлаш билан бирга, вокал санъатининг йирик намоёндаси ҳамdir. Шаляпин фақат мусиқа ва актёрлик фаолияти билан шуғулланибгина қолмай, опера асарларини ҳам сахналаштирган, рассомлик ҳамда ҳайкалтарошлиқдан ҳам яхшигина хабардор бўлиб, адабиёт соҳасида ҳам қалам тебратган. У санъат учун туғилган ва уни бор вужуди билан с евиб, усиз ҳаётини тасаввур эта олмаган буюк ижодкор.

Манба: <http://taqvim.uz/uzc>

2020-02-13 08:53:04